

Суҳбатда Андижон область
партия комитетининг биринчи
секретари Б. Р. Раҳимов, Ан-
дижон область партия комите-
тининг иккинчи секретари Б. А.
Красников иштирок этдилар.
(ЎзТАГ).

Б У Ю К
ҒАЛАБАНИНГ
30 ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДАН

КУРОЛДОШ ДҮСТЛАРНИ
ҚИДИРИБ

Раҳмон ақанинг қизи Мавлуда ҳовлиқанча Исомовлар ҳонадонига кириб келди. Зокир ака уйда йўқ экди. Шохидани қарши олди.

— Мен амакиларнинг расмини ҳозиргина телевизорда кўрдим, уларни қидиришгаётган экан, шунинг айтишга бўлиб келдим. Шохидани аввалига нима ҳақда гап бораётганини аниқлаб етмагач дугонанинг яна гапга тутди.

— Ҳозир телевизорда Зокир акаларнинг расмларини кўрсатиб курулдош дўстлари билан изғирнали бўронларда тунини кунга улаган келарини кўз олдида келтирдим.

— Мени ахтарган ким бўлди экан? У елкама-елка туриб жанг қилган дўстларини бир-бир ёдга олди.

...Харьковлик Евгений Галкин ғалаба кунда Карл Маркс ҳибобонда полкдорлар билан бўлган учрашувда полк ветеранлар Советининг раиси Файзулла Сафаровга бир ҳада олиб келди. У ҳада — Евгений Галкин, Зокир Исомов ва Файзулла Сафаровлар Ленинград қамалида тушган сурат яна бир курулдош дўстини топишда ёрдам берди.

Евгений Галкин билан Файзулла Сафаров дўстлари Зокир Исомовни ўзбекистонлик, аниқроғи Тошкентлик ақилдан эканлигини билдирди, лекин аниқ адресини — эсладишмас экди. Дўстлар Ўзбекистон телевидениесига мактуб ва ўша суратни юбориб, курулдош дўстини то-

МИНГ ЎЛИМНИ ЕНГИБ

пишда кўмаклашишни илтимос қилди. «Советский воин» тележурнали ўз эшитиришларининг бирда собиқ 258-енгил артиллерия полкининг собиқ жангчиси Евгений Галкин Ленинград қамалида мардларча жанг қилган курулдош Зокир Исомовни қидиришга келди.

Эртаси эрталаб Зокир ака теледўстларига келиб ўзини таъиништирди. Бу ерда унга курулдош дўсти Евгений Галкин адресини беришди.

Курулдош дўстлар бир-бирлари билан хат олишишгадан кейин дийдор кўришга олишди. Зокир Исомов Харьковга отланди. У оғанидек бўлиб қолган, бир бурда поини кинига бўлиб баҳам кўрган яндош дўсти Евгений билан бўлганда учрашув олдида қолди. Харьковда унинг Е. Галкин олдаси билан кутиб олди. Эски дўстлар дахлатлар уруш кунларини яна бир бор кўз олдиларига келтирдилар.

«ҚИЗИЛЮДУЗ» ОРДЕНИ
КАВАЛЕРИ

Уруш бошланганда Зокир Исомов Ленинградда ҳарбий бурчини ўтаётган эди. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлари у Ленинград ақилданги Горелова станциясида жойлашган собиқ 189-зенит артиллерия полкида хизмат қиларди. Ўзбек жангчиси Ленинградни ёвуз душманлардан мудофаа қилишда қаҳрамонларча жанг қилди. Бу ерда у алоқачи, жангчи, ўрни келганда разведкачилик қилди. Жуда кўплаб операцияларда Евгений Галкин билан бирга иштирок этди. Қўмондонликда олган топишриқларини, командирнинг таъриқларини жуда кўп марта бирга эшитган, душмандан ўч олишга бирга қасамд қилган. Силбиқнинг тепалигида бўлган жангда дўсти билан бирга

курсаган мардлиги учун «Жасурий учун» медали билан мукофотланди.

Польшани озод қилиш учун қизгин жанглар давом этарди. Совет жангчилари шаҳарга кириб боришда маккор душман ҳар бир кўча, ҳар бир уйдан туриб қарши зарба беришга ҳаракат қиларди. Разведкачилар командирнинг старший лейтенант В. Баранов бошлиқ тўрт жангчи тушган машина шаҳар кўчаларидан ўтиб, мулоҳиша келиб тўхтади. Улар ҳар бир машинани сингковлик билан кузата бошладилар.

Ҳозиргина ўтиб кетган транспорт ичидан кишилар Зокир Исомовга шўхбали кўринди. Гвардия сержанти фикрини дарҳол командирга айтди. Машина негиди шаҳарда тезлик билан, сўла томон буррилиб кетди. Командир йангиларга машинага ўтириб уларни орқасидан қувиб етишни ва жангчиларни суриштиришни буюрди. Сўнг командир дарҳол режасини ўзгартириб машинага ўтирди, буйруқ берди. Улар боғий транспортга етиб олиб олдида кесиб чиқилди. «Тўхта» деган командани эшитган транспортдаги немис солдатлари ўқ узишди. Шу пайт совет жангчиларидан бири гайната улоқтирди. Транспорт таққа тўхтади. Уртада отишма бошланди. Бу тегишсиз олишувда тўрт совет жангчиси 11 душмани ҳалок қилди. Зокир Исомов болдирдан ярадор бўлди.

Бу жангда курсатган қаҳрамонона жасорати учун тўрт совет жангчиси, шу жумладан Зокир Исомов «Қизил Юдуз» ордени билан тақдирланди.

ЖАНГОВАР БАЙРОҚ
ОСТИДА

Зокир Исомов хизмат қилган 428-енгил артиллерия полки Псков оstonаларида жанг қи-

лар эди. Қутилмаганда енгил артиллерия полки штаби билан олдинги қисмлар ўртасида алоқа узилиб қолди. Алоқачи сержантлар Евгений Галкин ва Зокир Исомовга муҳим жанговар топишриқ берилди. Бу икки жангчи қандай бўлмасин алоқачи тиклаши лозим эди. Душман билан бўлган оралқ бор-йўғи бир километр чамаси масофани ташкил қиларди. Душман тепаликка жойлашиб олганлиги учун ҳамма нарса кўриниб турарди. Жуда эҳтиёткорлик билан ён томондан айланиб ўтишдан бошқа илож йўқ. Атроф эса ботқоқлик. Сил ўралган ғалтакни елкаларига осиб олган икки дўст ботқоқликдан ўтишга қарор қилди.

— Биринчи бўлиб мен ўтаман, агар ўтолмасам сен ҳаракат қиласан, — деди Евгений.

— Йўқ, дўстим аввал мен ўтаман, — деди Зокир Исомов. Шу пайт икки дўст қучоқлашиб бир зум тен қолди. Зокир Исомов кийимларини бошга бойлаб, бир қўлида ғалтак синамини кўтариб ботқоқлик ўртасига етиб келган ҳам эди-ки, душман буни сезиб қочиб ўққа тутта бошладилар. Алоқачи душмани чалғитиш мақсадида жойида бир неча вақт қимирламади Орадан анча вақт ўтгандан кейин отишма тугади. Евгений дўстини ҳалок бўлди деб ўйлаб операцияни якка ўзи давом эттирмоқчи бўлиб Зокир олдига ақиллашди. Қараси дўсти хийла ишлабди. Курулдошлар ботқоқликдан чиқиб алоқачи ўрнатиб қайтишди. Генерал икки дўстга ташаккурнома эълон қилди.

ҒАЛАБА КУНИДАГИ
УЧРАШУВЛАР

Мана 15 йилдир-ки, Зокир Исомов хизмат қилган собиқ 428-енгил артиллерия полки жангчилари ғалаба кунда Москвада тўпланиб, ўтмиш кунларини эслашади.

Ана шунда улар Ватан йўлида, халқ йўлида жонини қурбон қилган курулдош дўстларининг хотирасини эса олшади. Ҳайтарини эса қидириб топишга ҳаракат қилишади. Полкдор ветеранларнинг учрашувларини ўтказишда, собиқ жангчиларни ахтариб топишда полк ветеранлар советининг раиси Файзулла Сафаровнинг хиссаси каттадир. Евгений Галкин ва Файзулла Сафаровнинг ерданда Зокир Исомов курулдош дўстлари билан 27 йилдан сўнг учрашди.

Зокир Исомов билан суҳбатлашиб ўтиришми. У ҳар бир жанг эпизоди ҳақида сўзлар экан ҳаёқондан ўзини босолмасди. Гарчанд ўша ҳаёқонли оилар содир бўлганига чорак аср бўлган бўлса-да, суҳбатдошнинг воқеани кечатидек эс-ларди.

— Полкмиз ҳужум қиларди, — деб эслайдиги Зокир ака. Қутилмаганда душман снаряди полк байроғи сақланган машинага келиб тушди. Старший лейтенант ва старшина ярадор бўлди. Машина ёғини ичидан қолди. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Байроқни сақлаб қолш керак. Енаётган машинадан байроқни олиб чиқаришда дўстлар қуришда қолганини билганлар. Суҳбатдошнинг ана шундай дея бизга бир расмиз узатди. Шу йил Москвада бўлганда СССР Қурулди Кўчлари музейида сақлаб қолган ўша байроқ олдида суратга ту-



Чорак асрдан сўнгги учрашув. (Чапда) З. Исомов ва Ф. Сафаров.

шиб қайтдим. Бу менга абадий ёдгорлик бўлади. Зокир ака сўзларини тугатар экан, кўзларида ёш томчилари пайдо бўлди.

Полкдорлар фақат Ғалаба кунидagina эмас, балки бошқа кезларда ҳам бир-бирлари билан учрашиб туришади. Оилалари билан биргаликда меҳмон бўлишади. Яқинда курулдош дўсти Петр Васильевич Крутиков ҳамда собиқ полк командирини полковник Иван Григорьевич Ванкин Ленинграддан меҳмон бўлиб келишди. Меҳмонини Исомовлар оиласигина эмас, балки бутун Санд қишлоқ аҳолиси самимий кутиб олди.

Ҳозирда, собиқ жангчи «Қизил Юдуз» ордени ҳамда қатор кўша-қўша медаллар эгаси Зокир Исомов Пискарев районидаги Охунбобоев номи колхозда тракторчи бўлиб ишламоқда. Юбилей йили мажбуриятларини ошириб бажаришда, омонкувар ўша байроқ олдида суратга ту-


етишда Зокир Исомовнинг ҳам улуши бор.

З. Исомов ёшлар даврида бўлганида Улуғ Ватан уруши йилларида совет жангчилари кўрсатган нисбатан қаҳрамонликлар ҳақида, Ленинград мудофааси, Польша, Чехословакияни озод қилишда елкама-елка туриб, жанг қилган курулдош дўстлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Зокир ака бахтиёр ота ҳамдир. Унинг етти фарзанди бор. Катта ўғли Шокир инженер-гидромелноратор бўлиб ишлайди. Қизи Норпошша колхозда меҳнат қилади, қолган фарзандлари ўқувчилардир.

З. Исомов бошбўстган ҳаёт йўли ибратли ва мазмунлидир. Ҳар бир ёшга ўриқ ва намуна бўлган, Ватан мудофааси, юрт бойлиги йўлида олдинги тракторчи бўлиб ишламоқда. Юбилей йили мажбуриятларини ошириб бажаришда, омонкувар ўша байроқ олдида суратга ту-

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Қишлоқларимиз жамоли «Политотдел» колхозини участкаларидан бирида. А. Абалаян фотоси.

СОҲИБКОР

Дўстмат Отаев Юқори Чирчиқ районидagi Энгелс номи колхозда кўп йиллардан бери узумчилик бригадасига бошлиқ қилади.

Бу бригада ишқомларида бу йил аниқса ҳосил мўл бўлди. 6—7 килограммга етадиган узум бошлари етиштирилди. Яқиндагина қўшнинг заррин нурларида ёқудек товланиб турган бу узум бошлари исстежмолчиларга жўнатилади.

Ҳозир бригада тоқзорларида иш қизиги. Тоқларни қирқиб, шакл бериш ва кўмин ишлари жадал ўтказилмоқда. Чунки тоғ этакларидаги узум навлари қишда яхши сақланмаса, келгуси йили улардан мўл ҳосил олиб бўлмаслигини бу ерлик тажрибкор соҳибкорлар жуда яхши биладилар.

Бригадада 19 гектар узумзор бор. Ана шу майдондан 210 тонна узум йиғиб олинди. Бу пайтда белгиланганидан 70 тонна кўпдир. Узум узинида Ази-

за Солтеева, Васия Ҳожиматова, Фарида Рўзигоева, Турсунай Махаматова каби қиз-жувонлар, яхши меҳнат қилдилар. Улар мавсумнинг қизгин кунларида ҳар кун 1000—1300 килограммдан узум узини эришдилар. Бригада ҳар кун таъёрлаш пунктларига 19—20 тоннадан узум жўнатиб турди.

Бригададаги тоқзорларни парвариш қилишда тажрибали богбошлардан Ҳаким Тўрақўжаев, шунингдек Веккул ота Ҳаққулов, Облоқул ота Аноркулов, Ҳожимат ота Фозиловлар донмо бригада тоқзорларига келиб ёрдам кўрсатмоқдалар.

Энгелс номи колхозда ана шундай илгор соҳибкорлар жуда кўп. Шу сабабдан ҳам колхоз бу йил давлатга 750 тонна ўринга 1150 тонна узум топшириб, социалистик мажбуриятини ошириб бажаришди.

С. СИРОЖИДИНОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

БУХАРЕСТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

БУХАРЕСТ. 12 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда румин-совет дўстлиги унда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилиш Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар Руминия жамияти ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишланди.

Йиғилишда Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзолигига кандидат, Руминия Касаба союзлари умумий бирлашмаон марказий кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар Руминия жамияти бош кенгашининг раиси М. Дала, РКП Марказий Комитетининг секретари Ш. Андрей, Руминия олий ҳалқ кенгаши раисининг ўринбосари И. Мургулеску, РКП Марказий Комитетининг аъзолари, Совет Иттифоқи би-

лан дўстона алоқалар Руминия жамияти бош кенгашининг аъзолари, оммавий ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахр ва мада-нинг арибоблари, Совет Итти-фоқининг Руминиядаги элчиси В. И. Дрозденко ва Совет-Руминия дўстлиги жамияти мар-казий прелатенисининг аъзоси, РСФСР Олий ва ўрта маху-сат таълим министрининг ўринбо-сари В. П. Усачев бошчилиги-даги шу жамият делегацияси ҳозир бўлишди.

И. Вердец Руминия Компар-тиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик республи-касининг президенти Н. Чау-дескунинг Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар Руминия жамияти йўлаган таб-риқномасини ўқиб берди.

Йиғилишда Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар Руминия жамияти бош кенгашининг раиси М. Дала доклад қилди.

Докладчи дўстлик, ҳамкор-лик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасида тузилган шартно-малар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

М. Дала докладнинг охи-рида Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар Руминия жамияти ташкил этил-ганлигининг 30 йиллиги муно-сабати билан шу таъкидлотнинг бош кенгашига йўлаган таб-риқномасини ўқиб берди. КПСС Марказий Комитети Бош сек-ретарининг табриқномаи гул-дурас қарсаклар билан кутиб олindi.

ФАЛАСТИН ПРОБЛЕМАСИ
ҲАҚҚОНИЙ ҲАЛ ЭТИЛИШИ КЕРАК

НЬЮ-ЙОРК. 12 ноябрь. ТАСС мухбири Ю. Романцов хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Та-шкилотининг Бош ассамблеяси ўзининг ҳозирги XXIX сессия-сида Фаластин масаласини му-ҳокама қилишга киришди. Бу масала Яқин Шарқ проблема-сини сиёсий жиҳатдан ҳал этиш соҳасида асосий ўринлар-нинг бирини эгаллаб турибди.

Бирлашган Миллатлар Та-шкилоти Фаластин араб халқи-нинг миллат сифатида яшаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақил давлат сифатида иш қилишдан иборат қонуний ҳу-қуқларини тан олганлигига 25 йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо Фаластин араб халқи Исроил-нинг агрессия сиёсати натижа-сида ва Яқин Шарқда Исроил экспансиясига ҳоимийлик қила-ётган халқаро империалистик ва

сионистик доираларнинг пози-цияси натижаида ўзининг ана шу ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятидан шу вақтгача маҳ-рўм бўлиб келди.

Бирлашган Миллатлар Та-шкилоти Фаластин араб халқи-нинг тақдирини учун жавабгар-лигини расмий суратда ўз зим-масига олганлигига қарамай, Фаластин халқининг вакиллари кейинги вақтларгача бу ташки-лотда ҳатто ўз фикрини илҳор қилиш имкониятига ҳам эга бўлмаган эди.

Бош ассамблеянинг шу сес-сиясида ана шу гайри табиий аҳволга чек қўйилди. Фаластин озодлиги ташкилоти ўзига та-аллуқли масала юзасидан ўтка-зилмаган мунозараларда Фа-ластин араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили сифатида қатнашиш учун таклиф этилди.

НИКОЗИЯДА УЧРАШУВ

НИКОЗИЯ. 12 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Кипр прези-денти алафани бажарувчи Г. Клиридис билан турк жамоаси раҳбари Р. Денкташ учрашди. Бу учрашув давомида шу йил 6-фаслида Кипрда бўлган уруш ҳаракатлари натижасида эътиш йўллари муҳокама қи-лиш давом этди.

Бу ерда эълон қилинган ах-боротда бундай дейилади: Уч-рашув натижасида Фамагуста-нинг ғарб-шимолида ва Нико-зининг шимолида турк курул-

ди кучлари назоратида бўлган қишлоқлардан 1600 грекни эва-кузатиш қилиш тўғрисида кели-шиб олинди. Ахборотда айти-лишча, турк қўшинлари назор-атидаги районларда қолганин истаган грекларнинг шу район-ларда яшаш учун рұхсат бе-рилди.

Г. Клиридис билан Р. Денк-таш оролининг шимолида ҳам, жанубий қисмида ҳам мактаб шарт-шароити учун нормал шарт-шароит вужудга келтириш мақсадида бир қанча амалий тадбирларни белгиладилар.

Совет гравдан авиациясининг халқаро маршрути тобора кенгайиб бормоқда. Суратда: Совет «ИЛ-62» самолёти Франк-фурт-на-Майнеда. В. Егоров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚАРО ПРОБЛЕМАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

ЛОНДОН. 12 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар парламент аъзолари масалат орган — шимолӣ атлантика ассамблея-сининг сессияси ўз ишнин бош-лади. Маҳаллий обзорчилар

таъкидлаб ўтганидек, ассамблея қатнашчилари бир қанча халқ-аро проблемаларни ва жумла-дан Европада хавфсизлик ҳа-да ҳамкорлик кенгашининг ишнин ва Марказий Европада курулди кучларни ҳамда курул-

яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисида олиб борилаётган му-зокараларнинг боришини, шу-нингдек НАТО аъзолари олди-да турган ҳарбий масалаларни муҳокама қиладилар.



ОЛМАЛИҚ

ХАБАРЛАРИ

МИЛЛИОНЕР ҚАҲРАМОН

«Қалмоққир» қонида янги хушхабар қанот қонди: биринчи миллионер пайдо бўлди! Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Поддигин йил бошидан буён бир миллион кубометрдан ортиқ тоғ қазилмасини ортиб қўнатибди.

Олмалик экскаватор машинисти Беннамин Родионович тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йили бошланганда барча қабодшоларга мурожаат қилиб, уларни аниқловчи йил социалистик мусобақасида иштирок этишга чақирган эди. Шунда унинг ўзи шахсий намуна қўратиб, авариялар пати-насида машина бекор туриб қолганига йўл қўймаслик ҳис-собиға пайдан ташқари 200 минг кубометр тоғ қазилмаси ортишга қарор қилган. Қозир бу рақам 180 минг кубометрга етди. Бундан ташқари, экскава-торнинг 12 тишини тежаб қол-диши туфайли 812 сўми иқти-сод қилди.

ҲАҚИҚАТИ

Шаҳарда яхши бир аяғана мажмуи — ишчилар ўртасида касби бўйича мусобақа ташкил этилган. Ҳар ойда бу белла-шуга яқин ясаиб, голиб чиқ-қан ўз касбининг усталари тақ-дирланади.

Ўтган ой мусобақасининг на-тижалари ҳам қўриб чиқилди. Бунда шаҳар қорхоналаридан ўн бир киши мусобақа голиб-лари, деб топилиди. Улар ораси-да Олтинтопан қон бошқарма-сининг экскаватор-машинисти И. Кипрушенков, рух заводи-нинг эритувчиси М. Мирсанов, қўроғшин-рух бойишчи фабри-касининг сараловчиси Т. Му-ҳиддинова, «Қалмоққир» қони электровоз машинисти Д. Хо-лбоев, 4-автотаса шофери Н. Петрин ва бошқа ўртоқлар бор.

Мусобақа голибларига «Иш-лаб чиқариш зарбдори» номи ва пул мукофоти берилди.

ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАКТАБ

Бола тарбияси оилада ҳам, мактабда ҳам доним шарафли ва машаққатли масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Еш аллоди коммунистик руҳда, катталарга нисбатан сажиният ва ҳурмат руҳида тар-бияланиб борадими оила ва мак-таб ҳамкорлиги яхши самара-лар бериши.

Шунинг ҳисобига олиб, 5-ма-ктабда шаҳарда биринчи ота-оналар мактаби ташкил этилди. Бу мактабда асосан педагоглар билан ота-оналарнинг учрашу-ви бўлиб туради. Учрашуларда бола тарбиясига бағишланган суҳбатлар уюштирилади, улар ўзаро фикр алмашади.

Яқинда ота-оналар мактаби-нинг биринчи машғулооти бўлиб ва низоҳатда қизиқарли, жонли вазиғда ўтди.

Матнабни ташкил қилишдан мақсад — бола тарбиясида ота-оналарга ёрдам бериш.

ПРОХОДКАЧИЛАР АҲДИ

Ер ости қонининг М. Боев бошлиқ бригадаси коллектив календарига ҳозир тўққизинчи беш йиллик охириги йилнинг ноябрь ойи.

Бу коллектив аъзолари юби-лей йилида ҳар қачонгидан ҳам оширилган социалистик мажбурият қабул қилган эди-лар. Улар юксак талабни қўй-га қиратишди: тўрт йиллик план топшириқларини уч йилу-инки ойда ўринлатиб қўйди.

БУРЧГА САДОҚАТ

Серкуёш республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик пар-тияси ўзининг шонли 50 йиллик юбилейини эър таътанна билан нишонлади. Юбилей шодиёна-си Улуғ Октябр социалистик революциясининг 57 йиллиги байрамга уланди. Азамат пах-такорларининг тарихда мисли қўрилмаган даражада улкан хирмон кўтарилди.

Тошкент область ижроия ко-митети ички ишлар бошқарма-сининг шахсий состави, барча бўлималари бу саналар ва ўз-ларининг аяғанаги байрамла-ри — Совет милицияси кунин-га ва Ўзбекистон милицияси-нинг 50 йиллигини аъйойиб му-ваффақиятлар билан кутиб ол-дилар.

Совет тузумининг биринчи кунларидан бошлаб ишчи-деҳ-қон сийди манфаатлари учун кураш постидеа ҳушёр турган совет милицияси ўз тарихида жуда кўп барҳаёт саҳифалар яратди. Совет ҳокимиятини ўр-натган ва мустақамлашнинг унутилмас озоли йилларида милиция ходимлари фаолияти-нинг ёрми қирралари намойи-с бўлди. Туркистон милицияси-нинг меҳнатқарор қонинияти учун жон фидо қилган шуҳрат-ли ўғлонлари — Абдуқодир Юсупов, Қўбиддин Нажмидди-нов, Ҳайдар Қўчқоров ва бош-қаларнинг номлари ҳалқини хо-тирасидан асло ўчмайди.

Улуғ Ватан уруши фронтла-

рида минглаб милиция ходи-млари жон олиб жон бердилар. Улардан 270 минг киши СССР орден ва медаллари билан му-нофотландилар. Уруш қатнаш-чилари бўлган милиция ходи-мларидан 20 киши айни кунлар-да ҳам областимиз ички иш-лар органларида жанговар хиз-матини давом эттирмоқдалар, кўп йиллик тажрибаларини еш-ларга ўргатишмоқдалар. Халил Абзалов, Зинур Катамов, Қо-сим Вильданов, Виталий Суе-лов, Обид Мирзиёлов ва бош-қа кўпгина устозлар ана шу-лар жумласидандир.

Тошкент области ички иш-лар органлари ходимлари юбилей шарафига зиммала-рига олган социалистик маж-буриятларини шараф ва садоқат билан адо этишляпти. Жиноят, безорилик ва тартиббузарлик-нинг ҳақма қўришчилари ўтган йиллардаги нисбатан сези-ларли даражада қамалди.

Ходимларининг томонидан қа-бул қилинган шахсий мажбури-ятларнинг муваффақият билан бакарлиниги шундан далолат берадики, ички органлар шах-сий состави бутун куч ва би-лимини шаҳарлар, районларда оператив ҳаракатини янада ях-шилашга, техника воситаларини пухта эгаллашга, шу професси-нал савияларини ўз кун талаб-лари асосида оширишга сарф этмоқдалар.

Жиноятчиликка қарши ку-раш ва жамоат тартибини сақ-лаш бўйича социалистик мусо-бақада юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун Охангарон район ички ишлар бўлимига Ўзбекистон Компартияси об-ласт комитети ва област иж-роия комитетининг кўчма Қи-зыл байроғи берилди.

Биз ўз онгли ҳаётининг кат-та қисмини милиция хизматига бағишлаган шонли ветеранла-римиз — милиция полковниги С. Тельяни, подполковник Ф. Сайфуллаев, майор К. Теми-ров, капитанлар Х. Холматов, П. Сидоренко каби ўртоқлар-нинг номларини ифтихор би-

лан тилга оламиз, уларнинг кўпйиллик фаолиятини ешларга ибрат қилиб кўрсатамиз.

Сўнги йилларда милиция-нинг жамоатчилик билан ало-қаси анча кучайди. Бу алоқа-нинг мустақамлашшида меҳ-натқарорларини яшаш жойлари-да тарбиявий ва профилактик ишлар комплексини ташкил қи-лиш мақсадида барпо этилган милиция тилич пунктлари кат-та роль ўйнаётди. Областида ҳо-та 50 жойда милиция тилич пунктлари мавжуд бўлиб, улар қонунбузарлиқнинг турли қўри-нишларига қарши кураш ишга алоҳида ёрдам кўрсатишмоқдалар.

Коммунистик партия ва Со-вет ҳукумати милиция олдида социалистик қонунчиликка риоя қилиш, жамят тартиб-қондала-рини сақлаш, жиноятнинг олди-ни олиш вазифаларини қўйиб, бу билан уларни совет кишила-рини коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш ишига му-ҳим ҳисса қўшишга сафарбар қилмоқда. Бунинг асоси тушунган областимиз милиция ходимлари бутун куч ва билимларини яма-май, кечая-кундуз ўз хизмат постларида серғак турибдилар.

Кейинги йилларда ички иш-лар органлари шахсий состави-нинг сифат даражасини кўтариш бўйича турли хил воситалар ишлатиб қилинди. Булардан бири милиция ходимларининг Қасам қабул қилишларидир. Қасам қабул қилиш ички ишлар органлари-нинг ходимлари ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, бу кун улар қал-бида умрбод сақланиб қолади. Бунда Улуғ Ватан уруши қат-нашчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлатиб чиқариш зарбдорлари ва пар-тия, совет органларининг раҳ-барлари, жамоатчилик вақил-лари иштирок этиб, Қасам қа-бул қилиш маросими таъана-вор рух қиратишляпти.

Кўп Ленин орденли област-имиз меҳнатқарор халқ ҳука-матининг барча соҳаларида аъ-йойиб зафарларини қўлга қиритиб, шонли тўққизинчи беш йиллик-нинг турткини белгиловчи йили-ни муносиб яқунлаётган айни пайтда област ички ишлар органларининг ходимлари ҳам ўз буржларини шараф билан адо этмоқдалар. Улар Совет қонунларини ҳимоя қилиш, со-циалистик мулкни сақлашда яна-да фаолият кўрсатиб, партия ва ҳукумат ишониб топширган постларида қатъий туриб, совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат аяғана-ларини тобора кўпайтиривера-дилар.

Бизнинг махсус бўлими-миз, — дейди касалхона бош-врачи Музааррама Ёқубовна Акбарова, — шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими қарорига асо-сан ташкил этилди. Гарчанди касалхонамиз ходимлари анча-гина тажрибага эга бўлишса ҳам янги соҳа ишини йўлга қў-йиб юбориш осон бўлмади. Шу соҳа мутахассислари бўлган ки-шиларни топиш, замонавий ас-боб-анжомларни ўрнатиш ва ўзлаштириш, қақалоклар учун ўзлашганлар оқи-оқиат рақию-нинг ишлатиб чиқилиш, шонли сў-ларини олиб келишда анча-мун-ча қийналди. Эндиликда Ольга Алексеевна Журавлева, Марфуа Холматова, Гулгул Ра-шидова каби врачларимиз, Ни-на Аманбаева, Светлана Масина, Тоня Шляхич, Назира Исма-туллаева сингари ҳамширала-

Р. УМАРОВ.



Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасида ўз хизматларига садоқат билан мусобақатда бўлаётган милиция ходимлари аяғанага. Суратда: шаҳар автономиясининг ходимлари-дан кичик сержант Н. Шукров, катта сержантлар М. Мубораков, С. Холматовларни қўриб турибсиз. И. Глауберзон ва В. Сирот кини фотоси.

СТУДЕНТЛАР ДОВРУҒИ

В. И. Ленин номидаги Меҳ-нат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг 14 факультетида мамла-катимизнинг 44 йилда вақил-лари таҳсил қўришда. Улар билан бирга Осиё ва Африка мамлакатларидан келган тала-балар ҳам ўқимокда. 2 милли-он том китоб фондига эга бўлган кутубхона, лаборато-риялар студентлар ихтиёрида. 5 мингта яқин йилит-қиз-студентлар илмий жамятига аъзо-дир. Уларнинг илмий тақди-ротлар олиб боришлари учун барча шароитлар яратиб берил-ган.

Университетда илмий-назарий конференциялар, студентлар слети, тематик-кечалар, спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади. «Дилнавоз» драм-труппаси, «Ер-ёр» вокаль ин-с-

Университет Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда му-ваффақият қатнашиб келаёт-ган ўз спортчилари билан хал-ли равишда фахрланади. Улар орасида СССРда хизмат кўр-сатган спорт мастери, волейбол бўйича Мексика ва Мюнхен Олимпиадаларининг чемпиони Вера Дуконова; СССР спорт мастери, бийлар ўртасида бас-кетбол бўйича Европа чемпио-ни, СССР терма командаси-нинг аъзоси Григорий Авдеев, СССР спорт мастери, волей-бол бўйича ешлар ўртасида Ев-ропа чемпиони Клавдия Ли-сенко. СССР спорт мастери, кураш бўйича ешлар ўртасида СССР чемпиони Бахтиёр Оме-ровлар бор. Студентларни спорт машғулотларига янада кенгрок жалб этиш мақсадида факультетлараро спартакиада ва ГТО нормаларини оммавий топшириш мусобақалари таш-кил этилмоқда.

А. РЎЗНЕВ, студент.

Спортив учрашувлар, очколар

А Марказий шахмат-шахса-клубида республикаимизнинг аъйойиб шахматчиси ва педаго-ги Азизиддин Хўжаев хоти-раси соврини учун ўтказилган мусобақада саккизинчи тур ўйнади. Бу турда ўзбекистон-лик шахматчилар кетма-кет муваффақият қозондилар. Ан-гренлик республика чемпиони Леон Григорий целиноградлик спорт мастери О. Зюбинин, еш мастерликка кандидат Валерий Логинов совиқ чемпиони А. Гру-шевскийни мағлубитга учратди-лар. Спорт мастери Георгий Бо-рисенко билан озарбайжонлик спорт мастери О. Павленко баҳс эса дураган натижа билан тугади.

А «Ешлик» спорт аренасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун қизлар баскетбол командаларининг му-собақаси бўлиб ўтти. Даст-лабки турда республикаимиз қизлари Волгоград командасини мағлубитга учратдилар. Ик-кинчи учрашувда эса Волгоград қизларининг қўли банд келди.

А Марказий «Пахтакор» ста-дионида Москва шаҳри футбол ветеранлари билан «Пахтакор» командалари учрашди. Учрашув пахтакорчиларининг олға есту-ғли билан ўтди. Тўла Ермеев билан Виктор Варюхин ҳужум-да айнақса активлик кўрсатиб рақиблар дарвозасини ишғол қилдилар.

А Ешлар ўртасида стол тен-ниси бўйича ўтказилган ярим йиллик мусобақалари низоҳисига етди. Мусобақада Беларуссия ва Ўрта Осиё республикалари командалари иштирок этишган эди. Энг яхши кўрсаткичга эришган Беларуссия ва Ўзе-бекистон командалари финалда йўлланма олдилар. Финал мусо-бақалари келгуси йил январда Ленинградда ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БУ ЕРГА кириш мутлақо ман қилинади... Ҳа-ҳа. Бошқа бўлимларнинг ходимлари ҳам махсус руҳсат бўлгандагина ёки зарур топшириқ берилган-дагина бу ерга қадам рақизди қиладилар. Коридорда одатдан ташқари сукунат. Қатор пала-талар, манипуляция хоналари, озиқлантириш кабиналари ой-надай тоза ва ёруғ. Ҳаво ҳам муътадил, иди баҳорнинг илқ-нафаси уриб тургандай.

Ўзгача бўлишга йўл қўйил-майди ҳам. Чунки бу ерда нақ-ти-соати етмай, муддатидан аввал тутилган болалар вояга етказилади...

Табиат мукаммал эмас. Гоҳи у ҳам «хато»ларга йўл қўйиб туради. Айрим зоҳирини ёки

ҚУВОНЧ УЛАШУВЧИЛАР

ботиний сабабларга кўра бола-отани ярим, етти, саккиз ой ичи-да дунёга келиб қолади. Шу

Бонсдан ҳам халқ орасида бундай болаларни «чала туғил-ган» деб юрutiшляпти. Илгар-ида мана шундай «чала ту-ғилган» болаларнинг қанча-қанчасининг яшаб бўлмаганли-гини эшитганимиз.

Аҳоли сонини кўпайтириш масаласига алоҳида аҳамият бераётган партия ва ҳукумати-миз ҳамхўрлиги туфайли энди-ликда жойларда вақтидан ил-гари туғилган болаларни вояга етказадиган махсус бўлимлар очилмоқда. Пойтахтимиздаги 14-болалар касалхонасида беш ой муқаддам ана шундай бўлим ишлай бошлади. У республика-нинг миёбсиде ташкил этилган махсус бўлимларнинг дастлаб-киларидан биридир.

Бизнинг махсус бўлими-миз, — дейди касалхона бош-врачи Музааррама Ёқубовна Акбарова, — шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими қарорига асо-сан ташкил этилди. Гарчанди касалхонамиз ходимлари анча-гина тажрибага эга бўлишса ҳам янги соҳа ишини йўлга қў-йиб юбориш осон бўлмади. Шу соҳа мутахассислари бўлган ки-шиларни топиш, замонавий ас-боб-анжомларни ўрнатиш ва ўзлаштириш, қақалоклар учун ўзлашганлар оқи-оқиат рақию-нинг ишлатиб чиқилиш, шонли сў-ларини олиб келишда анча-мун-ча қийналди. Эндиликда Ольга Алексеевна Журавлева, Марфуа Холматова, Гулгул Ра-шидова каби врачларимиз, Ни-на Аманбаева, Светлана Масина, Тоня Шляхич, Назира Исма-туллаева сингари ҳамширала-

Р. УМАРОВ.

БИЛДИРИШ Тошкент ишчи-деҳқон мухбирлари университети тингловчилари-нинг навбатдаги машғулооти 15 ноябрь — жума кунини ўтказилади.

Реклама ВА Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Ватан» фильм. 18.20 — Ҷўра-чилар учун кўрсатуви. 19.00 — «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.30 — «Ахборот», 19.45 — Мил-лионлар ленинчи университети (Москва), 20.15 — 5-н минут музи-ка. 20.25 — «Ахборот», 20.45 — МОСКВА. Туркистоннинг ССР ва Туркистон Компартияси таш-кил топганининг 50 йиллиги бағишлаган кўрсатуви. 22.00 — «Ватан», 22.30 — ТОШКЕНТ. ИК-КИНЧИ ПРОГРАММА. 19.45 — ТОШ-КЕНТ. Ешлар йили. 20.05 — Ҳа-ва тозалар (телекўрсаткич). 20.15 — Қалб-га яқин кўшиқлар (Москва). 20.45 — Мариана (бадний фильм). 22.00 — КПСС XXIV съезди қарор-лари амалда. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Дон Сезар де Базан (фильм-спектакль), 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Фильм-концерт.

Кўра ботиникали новча киши — САНГАТ САРОПИ (нундуз ва кеч-курру).

Бегоналар орасида — «МОС-КВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.30), «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (нун-дуз ва кечкурру).

Жаноби Септининг ресторани — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛ-ЛИГИ» (нундуз ва кечкурру).

Янги центурионлар — «МОС-КВА» (18.00, 21.00).

Кунгабонор — «ДРУЖБА» (нун-дуз ва кечкурру).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА (Киров кўчасида) УРТА ОСИЕДАГИ ЭНГ ПИРИК «ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИ ИШГА ТУШИРИЛДИ. Янги, замонавий РЕСТОРАН МАДАНИЙ ДАМ ОЛИШ УЧУН МУЪАЛЛАЖАН ЗАЛЛАРГА ЭГА. Ҳозир ресторанда Москва варьете орнестри хизмат кўрсат-моқда. Ресторан аҳолидан тўйлар, тантанали маросимлар, юби-лей саналари ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун заляларга қабул қилади. Меҳмонлар ҳар кунини уста ошпазлар тайёрлаган овқат-ларни таомил қилишлари мумкин. ВАРЬЕТЕГА ОЛДИНДАН ТАКИФ БИЛЕТЛАРИ СОТИЛАДИ. «ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИГА МАРҲАМАТ ҚИ-ЛИНГ.

ОНА - ВАТАН БҮЙЛАБ



Меҳнат Қизил Бай-роқ орденли Запо-рожедаги «Комму-нар» автомобил заво-дида қорхонанинг асо-сий участкаларини ре-конструкция қилиш давом этмокда. «Запо-рожец» машиналарини йиғадиган яна бир цех ишга тушди. Суратда: қар-дошлик мазордаги жангчи отининг тимсо-лий рамзи.

А. Красовский ва Р. Дик фотолари. ТАСС фотохрони-каси.

